


«Паризод» ҳиссадорлик жамияти қошида яна бир янги дўкон ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади. Ушбу савдо нуқтасидан корхонада тайёрланадиган барча маҳсулот турларини харид қилиш мумкин. Айниқса улар орасида эркаклар ва аёллар кўйлаклари, плашч ва кофталарига бўлган талаб катта бўлмоқда. Харидорларга яратилган қулайлик шундаки, бу ерда маҳсулотлар 20 фоиз устама нархсиз сотилади. Агар мижоз дўкондан минг сўмлик савдо қилса унга харид қилинган буюм 15 фоиз арзонлаштирилган нархда берилади.

Ишчилардан Тамара Маҳкамова, Дамира Абдусаматова бошлиқ жамоаларда меҳнат унумдорлиги юқори бўляпти.

— Бизда таъминот масаласи узил-кесил ҳал этилди, — дейди жамият раиси Шуҳрат Акромов. — Асосий маҳсулотни Тошкент, Андижон, Бухоро тўқимачилик комбинатлари, Марғилон, Наманган шойи фабрикаларидан оламиз. Шунингдек Россиянинг Екатеринбург, Тюмень, Белоруссиянинг Минск шаҳарлари билан ҳам мустаҳкам алоқа боғлаганмиз. Мана шунинг учун режа топшириқларимиз ортиғи билан бажариляпти. Биргина ўтган йилни 110,2 фоиз ўсиш билан якунладик.



## Бозор тадбиркорликни ўстиради

# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ



— Бу корхонамиз қошида фаолият кўрсатаётган 8-дўкондир, — дейди бизга жамият раиси Шуҳрат Акрамов. — Шундай савдо нуқталаримиз Бухоро, Асака, Қорасув, Ғузор, Ғазалкент ва Бўкада ишлаб турибди.

Янгилик баҳона корхона ишлаб чиқариши билан ҳам танишдик. «Паризод» январь ойида 7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлабди. Февраль ойи режаси ҳам ортиғи билан бажарилди.

— Маҳсулотларимизга бўлган талаб катталигининг сабаби биз ой сайин харидорлар истагини ҳисобга олиб буюм турларини янгилаб борамиз, — дейди бош муҳандис Баҳодир Саидов. — Масалан ўтган йили 112 хилда маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, бу йил унинг 72 фоизини янгиладик. Янги моделлар орасида эркаклар учун плашч-пальто, аёлларга мўлжалланган костюм-юбка, болалар учун яхтак — кўйлаклар, шим, куртка, хотин-қизларнинг чет эл матоларидан тайёрланган кофталари бор.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамай, корхона тўла қувват билан ишлаб турибди. Барча тикув цехларида иш икки сменада давом этмоқда. Айниқса Гулнора Ғуломова, Тамара Маҳкамова, Дамира Абдусаматова бошлиқ жамоаларда меҳнат унумдорлиги юқори бўляпти.

Жамият аъзолари жаҳон бозорини кўзлаб чет эллик сармоядорлар билан бир нечта кичик ва қўшма корхоналар очишни мўлжаллаб қўйишибди. Ҳозир Америка билан бошланган ҳамкорлик ўз самарасини кўрсатиш арафасида. Корхонада АҚШ технологияси асосида ипак матодан кўйлак, юбка, костюм тикила бошланди, шунингдек Покистоннинг бир нечта фирмалари билан ҳам кичик корхоналар очиш режалаштирилмоқда.

— Кўриб турибсизки, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тури ва салмоғи йил сайин ортиб боряпти. Шундай экан, уларни тез-тез савдога чиқариб шу ҳисобдан келадиган даромад эвазига иқтисодиётимизни барқарорлаштириб бормасак бўлмайди, — дейди Шуҳрат Акромов сўзининг охирида. — Шунинг учун бизга мана шунақа дўконлар кўпроқ керак. Зеро, ҳозирги кунимизнинг талаби ҳам боқимандалик кайфиятини бутунлай тарк этиб, ишнинг кўзини билган ҳолда тадбиркорлик билан меҳнат қилишдан иборат.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

*СУРАТЛАРДА: корхонанинг Шота Руставели кўчасида очилган янги дўконида.*

*Козим Ўлмасов олган суратлар.*

## Пойтахтимиз истиқболи

# САВДО-МАИШИЙ ХИЗМАТ МАЖМУАЛАРИ

Афросиёб шаҳримизнинг марказий шоҳкўчаларидан ҳисобланади. Унинг икки томонидан қад кўтарган кўп қаватли, шинам турар жой бинолари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарорига мувофиқ яқин вақт ичида бу ерда хорижий мамлакатларда супермаркет деб аталувчи савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиши режаланди. У ишга тушгандан кейин кўча янада гўзаллашади, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш илгаригидан ҳам яхшиланади.

— Бўлажак савдо ҳамда маиший хизмат нуқталари йўлнинг Шароф Рашидов кўчасидан бошланиб Нукус кўчасигача етиб боради, — дейди шаҳарсозлик бошқармаси бошлиғи Асқар Содиқов. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, кўчада супермаркет билан бир қаторда ошхоналар, маиший хизмат нуқталари, офислар, банклар қад ростлайди. Айни пайтда мазкур қурилиш нуқталарининг лойиҳаси тайёр. Лойиҳа бўйича қурилишнинг бир қисми бу ерда жойлашган ер ости автомобиль сақлаш жойлари устида олиб борилиши мўлжалланмоқда. Бу эса ўз вақтида ер майдонидан самарали фойдаланиш имконини беради.

— Қурилишни маблағ билан ким таъминлайди? Хизмат кўрсатиш биноларининг қад кўтаришида қайси ташкилотлар қатнашади?

— Қурилишни тадбиркорлар маблағлари ҳисобига олиб бориш мўлжалланмоқда. Ҳозирнинг ўзида «Мерседес-бенц», «Баракат Ко ЛТД», «Демир», «Маоро», «Ўзбектуризм» фирмалари, «Ўзқурилишбанк» ва бошқалар бу супермаркетларга маблағ ажратиш истагини билдирдилар. «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси ҳамда «Агросаноатқурилиш» ташкилоти бу супермаркет қурилишини олиб борадилар.

— Эшитишимизча, юқоридаги сармоячиларнинг баъзилари лойиҳаларни ўзлари амалга ошириш ниятида эканлар. Улар келажакда ўзлари қурган бино жойлашган ер участкаларига эгалик қила оладиларми?





— Бу борада тадбиркорлар турлича йўл тутишмоқда. Масалан, уларнинг бири ерни сотиб олишни хоҳласа, иккинчиси уни ижарага олишни ёки ер солиғи тўлаб туришни истаяпти. Яна бир тоифа тадбиркорлар супермаркетлар битгач, уни ижарага беришни ёки бўлмаса бу биноларни ер участкаси билан хусусийлаштириб олишни маъқул кўряпти. Бу уларнинг ўзларига ҳавола. Лекин бизнинг қатъий қоидамиз бор: савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қисқа фурсатда қуриб битказилиши шарт. Бунга бир йил муддат белгиланган.

— Супермаркетлар фақат Афросиёб кўчасида бунёд этиладими?

— Ҳозирги кунда шаҳримиз марказий қисмидаги 17 та энг гавжум жойда супермаркетлар қуришга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Мисол учун Хўжаев кўчасида 8 та шундай жой ажратилган. Қоратош мавзеси ҳамда Югнакий кўчаси, бошқа жойларда ҳам савдо-маиший хизмат мажмуалари қад ростлайди.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси атрофида келажакда бунёд этиладиган катта савдо маркази алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ишга туширилиши бирлашма ишчилари ҳамда шу атрофда яшаётган аҳолига катта қулайликлар яратади.

Ҳар бир супермаркет алоҳида кўркка эга бўлишига катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун «Тошшаҳарлойиҳа» институти, меъморчилик ва капитал қурилиш бош бошқармаси мутахассислари бутун маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Ғулом ЮСУПОВ.

*СУРАТЛАРДА: шаҳар архитектура ва меъморчилик бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Р. Валиев, бош муҳандис М. Аҳмедов ҳамда туман бош архитектори С. Саидовлар супермаркетлар лойиҳасини муҳокама қилишмоқда, шаҳримиз марказий кўчаларида қад ростлайдиган супермаркетлар лойиҳаси;*

*Рустам Шарипов олган*

## Ҳунармандлар сулоласи

# БЕШИНЧИ АВЛОД ВАКИЛИ

— Ўғлим Алишер атрофимда куймаланиб, қилаётган ишимга қизиқаётганини кўриб ич-ичимдан хурсанд бўлиб қўяман, — дейди Акбар ака Муҳиддинов. — Ахир бизнинг сулоламиз, оиламиз анъаналарини кимдир давом эттириши керак-ку! Алишердан кўнглим тўқ. Ўзим дадамнинг ҳунарини эгаллаганимда қанчалик фахрланганим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Мана энди у киши билан ёнма-ён ишлаганларим, олган йўл-йўриқларим жуда қўл келяпти.

Акбар аканинг айтишича, 1923 йилда Москвада Ўзбекистон ҳунармандларининг кўргазмаси очилганида 20 ёшли отаси ёш уста ва рус тилини яхши билгани учун таржимон сифатида иштирок этган экан. Ўша кезлари бир неча уста билан эгнида чопон, Москва кўчалари бўйлаб одамларни кўргазмани томоша қилишга таклиф этишган. Отаси машҳур усталардан Разведовский ва Филомоновичлар билан худди шу ерда танишади. Кейинчалик ўқир экан Регистон, Тилла-қори мадрасаси, Гўр Амирдаги таъмирлаш ишларида иштирок этган пайтлари, ёзиб қолдирган илмий хулосалар билан яқинроқ танишади.

Айни пайтда Акбар ака Тошкент сополи, унинг жозибадор ва ранг-баранг хусусиятлари билан шуғулланяпти. Бир пайтлар уста Аҳад Музаффаров мисли олов ёнғлиғ қизил тупроқнинг хоссаларини яхши биларди. Аммо у киши вафот этгач унга ишлов бериш сирлари ҳам бирга кетди. Уста хотираси учун Акбар ака сополнинг бу ноёб турини яна тиклашга киришди. Шу мақсадда бир қанча тажрибалар қилди, тупроқнинг таркибини диққат билан ўрганди. Ва ниҳоят кўзлаган ниятига эришди.

Ҳозир пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида яшаётган аҳоли Акбар аканинг маҳорати ҳақида яхши билишади. Ҳунармандлар сулоласини давом эттираётган бу уста ҳамон изланишда.

Ҳозирги кунда сопол ишлаб чиқариш ва қурилишда кенг қўлланилаётган керамзитни оқлонлик уста Муҳиддин ака кашф этган. Бу ҳақда у кишининг хонадонида очилган уй-музейидан батафсил маълумот олиш мумкин. Биргина бу эмас, бу ерга келаётганлар устанинг кўп йиллик самарали меҳнати ва изланишлари натижалари, шунингдек диёримизнинг сопол тарихига оид бебаҳо меросдан баҳраманд бўлишяпти. Айни пайтда Тошкентда кўча ва ўзи ишлаган керамзит заводи устанинг номига қўйилган.

Муҳиддин аканинг ўғли Акбар ака усталар сулоласининг бешинчи авлодидир. Унинг буваси ҳам шаҳримиздаги таниқли ҳунармандлардан бири бўлган.

Ленинградда таҳсил олади. Уйга қайтгач эса ўқув устахоналари очиш мақсадида Самарқандга жўнаб кетади.

Акбар ака ўсмирлик чоғида отаси уни Афросиёбдаги обидалар қазилаётган жойга олиб боргани ҳеч ёдидан чиқмайди. Бу ерда халқ усталари билан танишув, бир пиёла чой устидаги дилкаш суҳбатлар ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Балки уни Темурийлар давридаги занготри сополлар қизиқтириб қолгани шу боисдан бўлса ажаб эмас. Бу сополлар ялтираб туриши ва нозиклиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги пайтда Акбар акада отасининг кундаликлари ва эсдаликлари ёзилган ён дафтари сақланиб қолган. Уларни қайта-қайта

Саъдулла ШОДИЕВ.

## Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

# ЖАНГЧИ ЁН ДАФТАРИДАГИ ЁЗУВЛАР



### СЕНГА ТЕГАДИГАН ЎҚ

РОТАМИЗ командири Генералов ҳужумга киришдан олдин солдатлар билан суҳбатлашиб, ота-оналаримиз аҳволи, бола-чақалар ҳақида сўраб-суриштириб, руҳимизни кўтарарди.

Шундан кейин: "Жанг вақтида фақат олдинга интил, асло чўчима, қўрқоқнинг қони совуқ бўлади. Ўлимдан қўрқма, сенга тегадиган ўқнинг овози бўлмайди", — деб маслаҳат берарди.

### БЕЛКУРАГИНГ ЎТМАС БЎЛСА...

ИШОНАСИЗМИ, белкурак ўткир бўлса қаламнинг учини очса бўлади. Ёмғирдек ёғиб турган ўқ остида 5 минутга қолмай, бошингни ўқдан яшириш учун хандак қазиб қўясан. Жанг майдонида ҳамма — оддий солдатдан то командиргача белкурагини авайлайди, чунки тириклигинг ҳам, ажалинг ҳам белкуракнинг қўлида. Белкурагинг ўтмас бўлса гинанг ўзингда қолсин.

### ИНСОН БИР МАРТА ЎЛАДИ

ШИДДАТЛИ совуқ, хандақ қазиш учун имконият йўқ. Кекса жангчилар ҳар қадамда чўзилиб ётган мурдани устма-уст қўйиб, душманга ўқ узарди. Биз янги келганлар мурдадан қўрқиб, олдига яқинлашмас эдик. Душман отган ўқ мурдага тегиши билан "поқ" этган овоз чиқар эди, лекин мурдани тешиб ўтолмас эди. Шунда кексалар: — "Мурдадан ўқ ўтмайди, чунки инсон бир марта ўлади", — дер эди.

### ЖАНГДАГИ ДЎСТЛИКНИНГ ҚИЁСИ ЙЎҚ

ЖАНГДАГИ тобланган дўстликнинг қиёси йўқ. Бу дўстлик "кемага тушган кишиларнинг жони бир", деган сўзни эслатарди. Бир неча кун сув ичмай, туз тотмай жанг қилар эдик. Бир булка нонни бутун бир взводга бўлардик. Ташналик очликдан ёмон экан, бир фляга сувни бир қултумдан бўлиб ютардик.

### БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

ВЗВОДИМИЗДА полтавалик Пономаренко деган чол пулемётчи эди. У ўз томорқасидан олинган бир сиқим тупроқдан тумор қилиб, бўйнига осиб юрарди. Сабабини сўраганимизда у:

— Бу бир сиқим тупроқдан ажралсам, туғилиб ўсган қишлоғимдан, бола-чақамдан, Ватанимдан ажралгандай бўламан. Фронтга кетган ўғилларим, невараларим ҳам шундай, бир сиқим тупроғимиздан олиб, қилинган туморни тақиб кетишган, — деганди.

### СОТҚИНЛИКДАН КЎРА ЎЛГАН ЯХШИ

ҚИСМИМИЗ бир неча марта қамалда қолди. Шунда немислар кўчма радио станцияларини ишга солиб "Найзангни ерга санч, биз томонга ўт", деб ташвиқот қилишарди. Самолётларда варақалар ташлашарди. "Сотқинликдан кўра ўлган афзал, она Ватандан, туққан онангдан азиз ҳеч нарса йўқ", — деб жавоб қилардик уларга.

Орадан 3-4 кун ўтди. Бизникилар самолётда озиқ-овқат, қурол-яроғ ташлади, десантчилар сафимизни тўлдирди. Яна жанг қизиб кетди. Кўплаб асир олдик.

— Нега асир тушдинг, — деб сўрадим бир немисдан.

— Мен ёлланганман, — деди немис.

### ҲАММАМИЗНИНГ ОНАМИЗ

БАТАЛЬОНИМИЗНИНГ ҳамшираси Аня деган бақувват аёл эди. У ким билан гаплашмасин "жоним" деб гаплашар эди. Шу туфайли биз ҳам Аня опани "жоним" дер эдик. У ҳамма вақт биз билан бирга эди, чунки солдат жанг бўлаётган жойда яраланади ёки жон беради. Баъзан ярадорни кўтариб, ё судраб майдондан узоқлашар эди. Командир билан Аня опа ёнимизда бўлса кўнглимиз тўқ бўларди.

Аня опа ҳам бизга жуда ўрганиб қолган эди. Бирор солдат яраланса у билан баравар азобланиб кўз ёшини тиёлмас, то санчастга етказиб бормагунча тинчланмас — онадек меҳрибон эди. "Аня опа ҳаммамизнинг онамиз, оналар эса ўлмайди", — дер эди жангчилар.

### ЭЙ, КИНДИК ҚОНИ ТЎКИЛГАН ЗАМИН!

ЁНАЁТГАН танкдан отилиб чиқаман деб Висла дарёсига тушиб кетдим. Жон-жаҳдим билан қирғоққа интилиб маймунжонлар орасига яшириндим. Юришга мадорим қолмади, танамдаги қон ҳамон тўхтамай оқарди.

Ҳу, ана иккита, учта бўлишиб немислар бизларни қидириб юришибди.

Йўқ, йўқ асло таслим бўлмайман, жон бераман, ўламан, лекин таслим бўлмайман. Авлод-аждодларимнинг берган ўгит-насиҳати, буйруғи шундай, қалбим амри бу. Шу қалб амри бизни ғалабага етаклади. Куч-қувват берди. Йиқилганда суяди.

Москва остоналарида, Сталинград тепаликларида, Курск, Орёл, Белград, Брянск ўрмонларида, Карпат тоғларида, Волга, Днепр, Днестр, Дон дарёларида юзлаб, минглаб элдошларим, юртдошларимнинг қабри бор. Украина, Беларусь, Молдова, Польша, Румыния, Венгрия, Чехословакия, Болтиқ бўйи республикаларида оғаларим, қон-қариндошларимнинг ҳайкаллари қад кўтариб турибди.

Кировоград шаҳрида партизанларнинг "Ватан учун жон бериш шарафли иш, ўлганимизга асло ачинмаймиз" деган ватанпарварларнинг ёзувини ўқидим.

Эй ҳудудсиз она замин шунчалар азизсанки, сенинг учун жонимни берсам розиман. Чунки бағрингда қадрдонларим ётибди.

Раҳматулла ИСҲОҚОВ,
захирадаги капитан.



# БИРИНЧИ НАВБАТ ТАЙЁР

## СУРАТЛИ ЛАВҲА



Бу қурилишнинг бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Атиги орадан тўрт ойдан сал ортиқроқ муддат ўтди холос. Лекин шу қисқа давр ичида бу ерда жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилдики, бугунги кунда у яққол кўзга ташланиб турибди.

Етти гектар майдонни эгаллаган «Отчопар» бозорининг номи республикамизда маълум ва машҳур. Мамлакатимизда энг катта ҳисобланган бу буюмлар бозори бугунги кунга келиб фақат торликкина қилиб қолмай, балки унинг расталарини ҳам ўзига хос услубда қуришни замон тақозо этиб қолди. Шу ниятда бозорнинг қиёфасини ўзгартириш, унда ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган расталар бунёд этиш ғояси туғилди. Бу ишга ўз касбининг усталари бўлган мутахассислар ва лойиҳачилар таклиф этилди.

Ҳозир бу ерга кирган киши ўзини улкан қурилиш майдонида юргандек ҳис этади. Майдонда хандақ қазишда ишлатиладиган механизмлардан тортиб, ғишт териш, бетон қоришда зарур бўлган техникаларгача ўрин олган. Бу масъулиятли участкадаги қурилиш ишларини бажариш асосан 4-ихтисослашган трест ва унинг механизациялашган кўчма жамланмалари ҳамда Тошкент саноат қурилиш трести зиммаларига юклатилган.

Объектда бунёдкорлик ишлари икки қисмда олиб борилмоқда. Апрель ойининг биринчи ўн кунлиги охирида тугалланадиган дастлабки навбатда 4 та раста-бостирма қурилиши, марказий кириш йўлаги дарвозаси ва унинг чиптахона ва бошқа маъмурий-маданий хоналари мажмуасидаги бунёдкорлик ишлари тугалланиши кўзда тутилган. Ҳозир бу ерда 700 дан ортиқ қурувчи меҳнат қилмоқда. Буларнинг кучи билан 50 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариб қўйилди.

Силлиқ оқ ғиштдан қад кўтараётган дарвозахона қурилишида Қадамбой Отажонов бошлиқ 20 кишилик хоразмлик усталар кеча кундуз тер тўкиб ишлашмоқда.

Иккинчи босқич ишлари эса Мустақиллик байрами арафасида ниҳоясига етади. Бу босқичда чойхона, ошхона, 72 та икки қаватли дўконлар ва бошқа маъмурий бинолар қад кўтаради.



Маҳмуд ОРИПОВ.

*СУРАТЛАРДА: бозор қурилишидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## Билиб қўйган яхши

### УЧ МАРТА КАШФ ҚИЛИНГАН

Ўсимликшунослардан сўрасангиз Америка камида уч марта кашф қилинган дейишади. Биринчи марта Колумб европаликларнинг ўшангача номаълум бўлган картошка, жўхори, тамаки каби ўсимликлар билан таништириб Американи кашф этди.

Янги қитъани иккинчи марта буюк немис олими Александр Гумбольд кашф қилди. У Американинг ўсимликлар бойлигини биринчи бўлиб илмий асосда баён қилиб ёзди.

Американи 1926 йилда олимлардан Букасов билан Юзепчуклар учинчи бор кашф қилдилар. Бу ажойиб сайёҳлар Америкадан ўн мингга яқин уруғларнинг намуналарини тўплашга муваффақ бўлган эдилар. Олим Букасов Мексика ва Гватемала тоғларида жўхорининг оқ, жигарранг, бинафшаранг, ҳатто қора тусдаги донлари борлигини аниқлади.

Тўпланган намуналар ичида энг қимматлиси картошка эди.

### МИРИҚИБ УХЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Бир гуруҳ ҳинд мутахассислари ҳайвонларнинг ухлаш учун бошини Шарқ томонга қўйишга беихтиёр интилиши илмий асосга эга эканлигини айтишди. Қизиқарлиси шундаки, Ернинг магнит майдони киши уйқуси ва кайфиятига кучли таъсир қилар экан.

Агар бошингизни Шарқ томонга қўйиб ётсангиз, мириқиб тинч ухлайсиз. Мабодо Шимол томонга қилиб ухласангиз гинангиз ўзингиздан: уйқудан тургандан сўнг киши кун бўйи ўзига кела олмай ланж бўлиб юради.

Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.

